

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT RAQOBAT QUMITASI  
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**672 «Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 18 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1895-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 августдаги ПФ-4561-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 36-сон, 477-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2009 йил 9 январдаги 2009-02-сон «Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 1895, 2009 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 61-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**Б. АТАХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 10 декабрь,  
2013-13-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қим-  
матли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш  
ва ривожлантириш маркази Бош директори-  
нинг 2013 йил 10 декабрдаги  
2013-13-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни  
бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга  
қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори  
профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар  
tizими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

1-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Профессионал иштирокчи ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўттизинчи санасидан кечиктирмасдан ваколатли давлат органига ўз маблағларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Профессионал иштирокчи томонидан ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.»